

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўсимликлар карантини
ва химояси илмий-тадқиқот
институтининг директори,
Жамоатчилик кенгаши раиси


2022 йил “07” май

Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги хузуридаги Жамоатчилик
кенгаши йиғилишининг 2 -сонли
БАЁННОМАСИ

07 май 2022 йил

Қибрай тумани

Йиғилиш раиси: А.Р.Анорбаев – Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институтининг директори в.в.б.

Қатнашдилар: Кенгаш раиси ўринбосари О.Сулаймонов, Кенгаш аъзолари: Х.Кисанбоев, Қ.Бобобеков, А.Марупов, Н.Туфлиев, У.Рахимов, А.Худойқулов, Б.Болтаев, С.Садинова, Д.Зуфарова, Ж.Салихов, Ш.Худойбердиев, Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институтининг ва Агентлик бош бошқармасининг тегишли ходимлари

Таклиф этилганлар: Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги бош директорининг давлат тили ва маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиси **Б.Насимов** ҳамда Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги Матбуот хизмати бош мутахассиси **О.Лутфуллаева**.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институтининг давлат тилида иш юритиш ва маънавий-маърифий ишлар ҳолати ҳамда Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигининг 2022 йил 19 майдаги 15-2190-топшириғида белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида.

Йиғилишни кириш сўзи билан Жамоатчилик кенгаши раиси А.Р.Анорбаев очиб берди.

Кун тартибидаги масала бўйича:

Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги бош директорининг давлат тили ва маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиси **Бунёд Насимов** ҳамда Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги Матбуот хизмати бош мутахассиси **Озода Лутфуллаевалар** сўзга чиқишиб, Агентликнинг 2022 йил 19 майдаги 15-2190-сонли хизмат хати бўйича илмий-тадқиқот институтининг давлат тилида иш юритиш ва маънавий-маърифий ишлар ҳолати ўрганилганлигини, ўрганиш давомида Девонхона ва Ходимлар билан ишлаш бўлими томонидан юритилаётган ҳужжатларида

аниқланган имловий ҳамда услубий камчиликлар тўғрисида фикрлар билдиришиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарорининг мазмун-моҳиятини қисқача таништириб ўтишди.

Масъуллар томонидан давлат тилида иш юритилишини янада такомиллаштириш ва ўзбек адабий тили меъёрлари, лотин ёзувига асосланган расмий ҳужжатларнинг юритилиши, уларнинг ёзилиши ва давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши бўйича керакли тавсиялар берилди.

Шунингдек, жўнатиладиган ва ички ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда расмийлаштириш, кировчи хатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва жўнатиш, индекслаш қоидалари тўғрисида тушунтиришлар бериб ўтишди.

Шу билан бир қаторда, давлат тилида иш юритиш бўйича ўқув курслари ташкил этилганлигини, ушбу ўқув курсларида ходимларни ўқитиш лозимлиги тўғрисида фикрларини билдириб ўтди.

Тадбир давомида ташкилотлар билан ҳужжат алмашинувида ва иш юритишда юзага келган муаммолар бўйича ҳам фикр алмашилди. Ходимларнинг таклиф ва мулоҳазалари тингланди.

Илмий-тадқиқот институти ходимлари томонидан давлат тилида иш юритишни янада такомиллаштириш мақсадида умумий йиғилиш,


ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бош директорининг давлат тили ва маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиси **Бунёд Насимов** ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Матбуот хизмати бош мутахассиси **Озода Лутфуллаеваларнинг** маърузалари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтида давлат тилида иш юритишни такомиллаштириш ҳамда маънавий-маърифий ишлар самардорлиги ошириш чоралари кўрилсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни топшириқлари ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Кенгаш котиби



А. Кадилов